

10-10-2019

RECOMMENDATIONS FOR SUBSTANTIAL DIGESTION OF IRREGULAR VERBS OF THE ENGLISH LANGUAGE

Omonjon Rahmanovich Rustamov

Teacher of English language of Interdepartmental chair of foreign languages of Namangan State University

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

Recommended Citation

Rustamov, Omonjon Rahmanovich (2019) "RECOMMENDATIONS FOR SUBSTANTIAL DIGESTION OF IRREGULAR VERBS OF THE ENGLISH LANGUAGE," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 1 : Iss. 9 , Article 32.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss9/32>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

RECOMMENDATIONS FOR SUBSTANTIAL DIGESTION OF IRREGULAR VERBS OF THE ENGLISH LANGUAGE

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

ИНГЛИЗ ТИЛИДАГИ НОТЎҒРИ ФЕЪЛЛАРНИ МУСТАҲКАМ ЎЗЛАШТИРИШГА ДОИР ТАВСИЯЛАР

Рустамов Омонжон Раҳманович

Наманган давлат университети факультетлараро чет тиллар кафедраси
ўқитувчиси

Аннотация: Ушбу мақолада инглиз тилидаги нотўғри феълларни мустаҳкам ўзлаштириш учун фойдаланиладиган усул ва машқлар ва уларнинг таҳлили келтирилган. Шунингдек бу усулларнинг самараси муҳокамаси келтирилган бўлиб, мавзу кўламига кўра нотўғри феълларни самарали ўзлаштириш бир қатор машқлар асосида ёритиб берилган.

Калит сўзлар: нотўғри феъл, интерфаол метод, ўйинли машқ.

РЕКОМЕНДАЦИИ НА ПРОЧНОЕ УСВОЕНИЕ НЕПРАВИЛЬНЫХ ГЛАГОЛОВ АНГЛИЙСКОГО ЯЗЫКА

Рустамов Омонжон Раҳманович

Преподаватель межфакультетской кафедры иностранных языков Наманганского
государственного университета

Аннотация: в этой статье представлен обзор методов и упражнений, используемых для прочного усвоения неправильных глаголов английского языка. Существует также обсуждение эффективности этих методов, которые в соответствии с масштабом предмета, были выделены в серии упражнений, которые включают неправильные глаголы.

Ключевые слова: неправильный глагол, интерактивный метод, игровое упражнение.

RECOMMENDATIONS FOR SUBSTANTIAL DIGESTION OF IRREGULAR VERBS OF THE ENGLISH LANGUAGE

Rustamov Omonjon Rahmanovich

Teacher of English language of Interdepartmental chair of foreign languages of
Namangan State University

Abstract: This article provides an overview of the methods and exercises used in substantial digestion of irregular verbs. There is also a discussion of the efficiency of these methods, which, according to the scale of the subject, have been highlighted through a series of exercises that effectively absorb the irregular verbs.

Keywords: irregular verb, interactive method, game exercise.

Хорижий тилларни ўқитиш масъулиятли ва завқли машғулот ҳисобланади. Бугунги кунда Ўзбекистон республикасида ўсиб келаётган ёш авлодга чет тилларни ўқитишнинг халқаро стандартларга жавоб берадиган замонавий талаблардан келиб чиқиб ўқитувчилардан бу масалага янгича ёндашувни талаб қилинади.

Хорижий тилларни ўқитиш жараёнида интерфаол методлардан ёки ўйин тарзидаги машқлардан фойдаланиш катта ахамиятга эга бўлиб, улар чет тилларни

ўқитишнинг энг самарали усулларида бири саналади ҳамда ўқувчи-талабаларда чет тили коммуникатив кўникмаларини шакллантиради[1,3].

Хорижий тилни ўзлаштиришнинг муҳим мақсадларидан бири – лексикани ўзлаштириш, оғзаки нутқнинг ҳар қандай ҳолатларида ундан фойдалана билишдир. Юқоридагиларни амалга ошириш мақсадида бир неча юз фаол лексик бирликларидан, талаба ва ўқувчилар учун ўзлаштириш ва фойдаланишда қийинчилик туғдирадиган, тахминан, 70та нотўғри феълларини ажратиб олиш лозим[2,8].

Гап шундаки, ҳар қандай асосий феълни ишлатилишида мунтазам равишда интерфаол ва ўйинли машқлардан фойдаланилмаса, гарчанд тўғри феъл бўлсада, қийинчиликларга дуч келинади. Шаклларнинг хилма-хиллиги, бир-бирига мос келмаслиги кўшимча қийинчиликлар туғдиради. Қуйидаги вазият типик тус олган: мавзу юзасидан маълумот бераётиб, талаба нотўғри феълнинг қайси шаклини ишлатишга ўйланиб қолади. Оғзаки нутқи унчалик ривожланмаган талаба, айтайлик, **go** феълни ўтган замон шакли **went** ўрнига ҳозирги замон шаклини ишлатиб юбориши мумкин. Нотўғри феълларни хотирада мустаҳкам сақлаш учун доимий равишда турли машқларни бажариб бориш лозим. Барча нотўғри феълларнинг турли шаклларини эсда сақлаш, оғзаки нутқда эркин ишлата билиш, ўқиш жараёнида унинг биринчи шаклини эсда тутиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўқитувчи дарсликларда берилган матндан 10-12та нотўғри феълларни танлаб карточкаларга ёзиб чиқиши керак. Нотўғри феъллар билан ишлаш фронтал равишда, юқори темпда ўтказилиб, бунга 3-5 дақиқа сарфланиши лозим. Қуйида айрим феъллар билан ўтказиладиган машқларга мисоллар келтирилган:

1-машқ. Ўқитувчи нотўғри феълнинг ноаниқ шаклини инглиз тилида айтади. Феъл ёзилган карточкани ўқувчилардан бирига кўрсатиб, ўзбек тилига таржима қилиб, барча шаклларини айтишини сўрайди. Қолганлар ўқитувчидан сўнг хор бўлиб такрорлайди.

Teacher: to go

Student: бормоқ, to go–went–gone–going.

Teacher→Class: to go–went–gone–going.

2-машқ. Бу машқда феъл ўзбек тилида айтилади.

Teacher: югурмоқ

Student: to run–ran–run–running

Teacher→Class: to run–ran–run–running.

3-машқ. Нотўғри феъллар жадвалидан фойдаланилади. Ўқитувчи жадвалдан феълнинг биринчи шаклини беркитиб, феълнинг иккинчи ёки учинчи кўрсатиб, бирор ўқувчидан унинг ноаниқ шаклини таржимаси билан айтишини сўрайди. Сўнг синф ўқувчилари жадвалга қараб хор бўлиб, ўқитувчидан кейин феълнинг барча шаклларини айтишади.

Teacher: thought

Student: thought from to think–ўйламоқ.

Teacher→Class: to think–thought–thought–thinking.

4-машқ. Нотўғри феълларни билишга доир мусобақа уюштирилади. Икки ўқувчи доскада нотўғри феълларнинг шаклларини тез эслаб айтиш бўйича мусобақалашиб бир-бирига феъллардан айтишади.

Student1: to sing Student2: куйламоқ, to sing–sang–sung.

Student2: can Student1: бажармоқ, can–could.

Паузалар бўлмаслиги учун (ўқувчи рақибга қийинроқ феълларни таклиф қилишга ҳаракат қилади) ўқитувчининг ўзи бошловчи вазифасини бажариб олдиндан тайёрланган 8-10та феълни таклиф қилиши мумкин.

5-машқ. Ўқувчига ўз она тилида ёзилган 10та нотўғри феъл ёзилган карточка берилади. У қуйидаги намуна асосида уларнинг шаклларини доскага ёзиб бериши лозим бўлади.

Олмоқ, to take– took– taken– taking.

“Do you see any mistakes?” деган ўқитувчининг саволи билан бутун синф иштирокида топшириқ текширилади.

6-машқ. Бу ёзма машқ-мусобақа бутун гуруҳ учун ўтказилади. 5 дақиқа давомида ўқувчилар имкон даражада кўп нотўғри феълларни ноаниқ ва қолган шакллари ёзиб топшириши керак. Ўқитувчи машқ-мусобаканинг қуйидаги намунасини ёзиб қўяди:

Сузмоқ– to swim– swam– swum– swimming.

7-машқ. Матн билан ишлашдан олдин ўқитувчи матнда берилган нотўғри феълларни шаклини ўзгартирмаган ҳолда карточкага тайёрлаб олади. Фанни яхши ўзлаштирувчи ўқувчилардан бири доскага чиқиб феълнинг асосий шакли, замонини, таржимасини ёзади. Масалан:

Brought – Past Indefinite (Simple) from to bring – олиб келмоқ.

Was coming – Past Continuous from to come – келмоқ.

Бу машқни уй вазифаси ўрнида ҳам ишлатса бўлади, ўқувчилар янги, нотаниш бўлган матнлардаги нотўғри феълларни шу тарзда таҳлил қилишлари мумкин[4,5,7].

Нотўғри феълларни мустаҳкам ўзлаштиришда машғулотларни бу шаклда ташкил этиш тил билиш ва оғзаки нутқ кўникмасини эгаллашга қулай шароит яратади. Бундай машқларни алмашилиши асосида дарс ташкил қилиш фаолиятига таяниш чет тилида гапириш учун табиий мотивацияни ҳосил қилишни таъминлаш, хаттоки энг оддий гапларни ҳам қизиқарли ва мазмунли қила олиш имконини беради. Чет тилларини ўқитишда интерфаол ва ўйинли ўқув фаолиятига таяниб ташкил қилинган машғулотлар асосида ўқувчи талабаларда қуйидаги кўникмалар ҳосил бўлади:

- Чет тилидаги сўзларни ўқитувчининг, тил сохиби ёки дикторнинг, ортидан фонетик жиҳатдан тўғри такрорлаш, яъни босқичма-босқич фонетик жиҳатдан эшитиб тушуниш ва тўғри талаффуз қилиш асосида нотўғри феъл шакллариининг ёдда сақлаш ва тўғри фойдаланиш кўникмасини **шакллантириш**;

- Инглиз тили луғатини ўрганиш, мустаҳкамлаш ва фаоллаштириш;

- Маълум миқдордаги мураккаблашган грамматик структураларни ўрганиш, ўзаро боғланган гапларни тузиш[6,8].

Шундай қилиб нафақат нотўғри феълларни, балки инглиз тилини ўрганишни юқоридаги машқлар асосида ўрганиш тил ўрганаётган талаба ёшларимизнинг тил ва профессионал тайёргарлик даражаси сифатини ошириш билан боғлиқдир. Бунда фаол даражада ўқитиш жуда муҳим ҳисобланади. Бу эса

тил ўрганувчида анъанавий методикага нисбатан юқорирок бўлган мустақил ўрганиш, уни фаолият ва мулоқот объекти позициясидан субъект позициясига ўтишини таъминлайди.

Инглиз тилини ўқитиш, айниқса, нотўғри феълларни самарали ўзлаштириш жараёнида интерфаол ҳамда ўйинли машқлардан фойдаланиш ўқувчи-талабалар қизиқишини, уларнинг қобилияти, фикрлаши ва фаоллигини ривожлантириш воситаси сифатида чет тили ўқитувчиларининг эътиборини тортади. Чуқур ўйланган ва яхши ўтказилган машғулот тил материалига (лексика, грамматика, фонетика) кириш ва уни мустахкамлашни осонлаштиради ҳамда тегишли билим ва кўникмаларни шакллантиришга ёрдам беради. Шунингдек, нутқ фаолиятининг (эшитиш, гапириш, ўқиш, ёзиш) ҳар хил турларини ўқитишда самарали восита ҳамдир. Ўқувчи-талабалар муайян натижаларга эришишда қувонч, завқ ва қониқишни ҳис этадилар. Бундай машғулотлардан ўқитишнинг барча босқичларида фойдаланиш мумкин. Шундай қилиб, нотўғри феълларни самарали ўзлаштириш жараёнида интерфаол ва ўйинли машқларнинг ҳар хил турларидан фойдаланиш чет тилларини ўқитишнинг муваффақиятли ва самарали методларидан ҳисобланади.

References:

1. Solonsova N.P. Sovremennaya metodika obucheniya inostrannim yazikam (aktualnye voprosi): uchebnoe posobie dlya studentov yazikovix spetsialnostey pedagogicheskix vuzov i prepodavateley inostrannix yazikov. - Pavlodar: PGPI, 2009.
2. Vsyay grammatika angliyskogo yazika. Filosofskoe obshestvo «Slovo». M., 2005.
3. Gazman O.S. Rol igri v formirovaniy lichnosti shkolnika // Sovet. pedagogika, 1982. - № 9.
4. Kuvshinov V.I. Prakticheskie voprosi obucheniya inostrannim yazikam. Metodicheskiy jurnal Inostrannie yaziki v shkole. MNO RF Moskva «Prosveshenie» 1990.g
5. Golitsinskiy YU. Grammatika. Izdatelstvo KARO. Sankt-Peterburg, 2008.
6. Selevko G.K. Sovremenniy obrazovatelniy texnologii. M., 1998.
7. Vereshagina I.N., Pritikina T.A. Tetrady po angliyskomu yaziku dlya samostoyatelnoy raboty- M., Prosveshenie– 1992.
8. Gapparov M. Qosimova R Ingliz tili grammatikasi Toshkent- 2004